

**INT-G0394/69- СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет таъкилотлари) учун*

Наманган ш.

2022 йил "10" 01

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Ўзбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва "Видеот юкүмлі қасдаллиқлар шифохонаси" Устав (Ҳисом, рўйхатта олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи И.Т.Ташаббус (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молвийий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцепт)ни ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз талабидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан талланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тарзини шартлари таътиб этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар моллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва вазифаларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўловни биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланганда Абонент тўловни 100 ( бир юз) фоиз миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлов олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан талланган хизмат тури бўйича) кўрсатишган миқдорга мувофиқ ҳар бир талланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет таъкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан талланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатишган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 3000000 ( Ҳт ми 1 млн 000 ) сўми ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм миқдоридан Абонент тўловини ҳамда 1000000 ( Бш ми 1 млн 000 ) миқдордаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортқиса сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кунидан бошлаб 3 (уч) банк куни ичиде ушбу Шартномада кўрсатишган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш бўли билан Оператор томонидан кўрсатишган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатишган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишнинг тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмалиги, Абонентта ушбу хизматлар учун тўловларини амалга оширмалигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларининг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-қунидан олдин хизматларини истиёрний равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бевосулар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентта тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентта пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатишган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангиринган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тўзатишларини амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганда 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатда Абонентнинг қаролат хати асосида Оператор томонидан Абонентта хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Ишларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча ишларни ва келишмовчиликларни Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонуичилигига мувофиқ ҳамда ишларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган ишро ва келишмовчиликларини ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ишлар Ўзбекистон Республикаси қонуи ҳужжатларига мувофиқ туманлараро икхисолий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мажбур Шартноманинг амал қилиш даврида Ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солишни қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрсатишлари ёки хатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, Ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроғасати курашиш чораларини кўради.

6.2. Мажбур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўришидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилди. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (охи беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Яқиний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга кирди ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати туғганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилати бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) Ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилати бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзолашиши – Оферта акцептими (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақиқати жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тузилган Шартнома ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома Ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (охи) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақоний ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусخада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил ирчиқ кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилди.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали	АБОНЕНТ: "Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси"
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол куча 57-уй Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ "Алокабанк" Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;	Манзил: <u>Ў.О.В.Шифхона к 90 45</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>100021860144078873201054003</u> СТИР: <u>200056718</u> МФО: <u>00014</u> / Банк номи: _____ Тел: _____ E-mail: _____ Дот: _____
Оператор номидан: <u>Б.Нурматов</u> м.ё. _____	Абонент номидан: <u>У.Томидов</u> /ИМЗО _____ м.п. _____

Юрист

Исп.: Юсуфов И  
Тел: (369) 227-18-10

**Кўрсатиладиган хизматлар**

1.

**Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Улчов бирлиги – Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмла)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Хар ойлик абонент тўловлари</b>					
	Corporate-7 тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигида UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига улашиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 25Мбит/с Интернет тармоғига улашиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 100 Мбит/с		Нархнома		
2.1	Абонент тўлови	1 000.000.00	Нархнома	1	1 000.000.00
Жами (олдиндан тўлов)					1 000 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 1 000 000,00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Хар ойлик тулов 1 000 000,00 сўм

Шартноманинг умумий миқдори 3000 000 ( Уч миллион )

сўмни ташкил этади. Ундан 1000 000 ( Бир миллион ) сўм

миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм

бир мартабалик FTTH технологияси бўйича улашиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**  
 "Ўзбектелеком" АК  
 Наманган филиали

**АБОНЕНТ:**  
 "Валонт юкумли касаликлар шифохонаси"

Оператор томонидан:



Директор \_\_\_\_\_ Б. Нурматов

Абонент томонидан:



\_\_\_\_\_ /Имзо/ м.у.

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил "10" "01" "  
INT-G0394/69- сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабул қилиш далолатномаси

№	Қурилманинг дастурий таъминот номи	Миқдори	Серия коди ёки завод рақами	15% ККСни инобатга олган ҳолда, етказиб бериш қиймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
1				

\*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

\*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

\*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

\*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳужжатдир.

ОПЕРАТОР:  
"Ўзбектелеком" АК  
Наманган филиали



АБОНЕНТ:  
"Вилоят иқтисодий-саноатликлар-инфокоммуникация"



" 10 " январ 2022 йилдаги  
 № 1MT-0387/69 - сонли шартномага илова

Интернет хизмати

Ойлар номи	Натура миқдори точка	1 бирлик нархи	Суммаси	Бундан ташқари инд-я	Жами сумма
Январ	1	1 000 000,0	1 000 000,0		1 000 000,0
Феврал	1	1 000 000,0	1 000 000,0		1 000 000,0
Март	1	1 000 000,0	1 000 000,0		1 000 000,0
1-чорак жами	3		3 000 000,0		3 000 000,0
Апрел			0,0		0,0
Май			0,0		0,0
Июн			0,0		0,0
2-чорак жами	0		0,0		0,0
Июл			0,0		0,0
Август			0,0		0,0
Сентябр			0,0		0,0
3-чорак жами	0		0,0		0,0
Октябр			0,0		0,0
Ноябр			0,0		0,0
Декабр			0,0		0,0
4-чорак жами	0		0,0		0,0
Йиллик	3		3 000 000,00		3 000 000,00

Оператор  
 Намаанган - Телеком  
 Узбектелеком АК Намаанган филиали

М.У



Истеъмолчи  
 Вилоят юқумли  
 касалликлар дироҳонаси

М.У



И.Тожибаев  
 (имзо)